"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Ўзбекистон Республикаси Оила ва
Хотин-қизлар давлат қўмитаси
раисининг биринчи ўринбосари
_______ О. Парпибоева
"12" сентябрь 2022 йил

**Вакант лавозимларига ишга қабул қилиш, ходимларни бошқа лавозимга ўтказиш бўйича Танлов комиссияси**
**11-БАЁНИ**

**Тошкент шаҳар** **2022 йил "12" сентябрь**
Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси
Кичик мажлислар зали

| | |
|---|---|
| **Танлов комиссияси раиси:** | **О.Парпибоева** -Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари |
| **Комиссия аъзолари:** | **Н.Эгамбердиева** – Қўмита раиси ўринбосари<br>**М. Низамова** – Бошқарма бошлиғи в.б.<br>**М.Махмудова** – Биринчи бўлим бошлиғи<br>**Н.Матякубова** – Юридик бўлим бошлиғи<br>**М.Нурматова** – Бошқарма бошлиғи |
| **Таклиф этилганлар:** | **М.Тошев** -Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги масъул ходими. |
| **Комиссия котиби:** | **И.Тлеубергенова**–Инсон ресурслари ва комплаенс назорат бўлими бош мутахассиси |

## Йиғилиш кун тартиби:

**Гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўлими бошлиғи,**

**Юридик бўлим бош юрисконсульт,**

**Ташкилий назорат ва таҳлил бошқармаси бош мутахассиси лавозимларига ўтказилган суҳбат якунлари тўғрисида.**

Гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўлими бошлиғи, Юридик бўлим бош юрисконсульти, Ташкилий назорат ва таҳлил бошқармаси бош мутахассиси лавозимларига https://vacancy.argos.uz сайтида жорий йилнинг 25 август куни очиқ танлов эълон қилинди.

Гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўлими бошлиғи лавозимга 18 нафар, бош юрисконсульт лавозимига 14 нафар ва бош мутахассис лавозимига 48 нафар номзодлардан аризалар келиб тушди.

Номзодлар ичидан малака талабларига мос келган 12 нафар номзодлар саралаб олинди ва танловнинг суҳбат босқичига ўтказилди.

Малака талабларига мос келган 12 нафар номзодларга суҳбат босқичига ўтганлиги ҳақида хабардор қилинди.

Рўйхатлар илова қилинади.

Суҳбат босқичига 4 нафар иштирокчи қатнашмади.

Барча номзодларга танлов комиссия аъзолари томонидан соҳага оид саволлар берилди.

Хусусан, Гендер тенглик стратегияси, гендер тенгликни таъминлашнинг асосий муаммолари, гендер стреотипларини бартараф этиш бўйича чоралар.

Норма ижодкорлиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини тартибга солувчи хужжатлардан хабардормисиз?, Ижро интизомини тартибга солувчи қандай норматив ҳужжатларни биласиз? Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат? Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги ПФ-87-сонли Фармони мазмун-моҳияти тўғрисида нималарни биласиз? Каби саволлар билан мурожаат этилди.

Танлов комиссияси танлов иштирокчиларининг саволларига тўғри ва аниқ жавоб бериши, уларнинг иш тажрибаси, соҳавий билимини эътиборга олиб **қарор қилади**:

1. **Гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўлими бошлиғи лавозимига** номзодлар Хаиткулова Ирода Гуламовна, Хонтураев Бобур Азимовичларнинг бошқарув соҳасида амалий тажрибага эга эмаслигини инобатга олиб танловдан ўтмади деб ҳисоблансин.

2. Номзод Уразова Ўғилой Ашуралиевна соҳа бўйича тажрибасини, саволларга аниқ ва тўғри жавоб берганини инобатга олиб **Гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўлими бошлиғи лавозимига тавсия этилсин.**

3. **Юридик бўлим бош юрисконсульт лавозимига** номзодлар Абжалилов Музаффар Абсатторович, Усманов Қувончбек Музаффар ўғли етарли тажрибага эга эмаслигини инобатга олиб, шунингдек, номзод Рашидов Аброр Анвар ўғли суҳбат босқичида иштирок этмаганлигини инобатга олиб танловдан ўтмади деб ҳисоблансин.

4. **Юридик бўлим бош юрисконсульт лавозимига** танлов комиссияси томонидан муносиб номзодлар тавсия этилмагани сабали ушбу лавозимга қайта эълон берилсин.

5. **Ташкилий назорат ва таҳлил бошқармаси бош мутахассиси лавозимига номзодлар** Абдурахмонов Абдумалик Абдуғофирович, Назаров Абдукаххор Абдурахманович, Хидиров Алишер Олимбой ўғли танловнинг суҳбат босқичида иштирок этмагани учун танловдан ўтмади деб ҳисоблансин.

6. **Ташкилий назорат ва таҳлил бошқармаси бош мутахассиси лавозимига номзодлар** Мамаражабов Ҳусниддин Сайдуллаевич, Султонов Исломбек Дилмурот ўғли, Хаиткулова Ирода Гуламовналарнинг соҳа бўйича етарли иш тажрибасига эга эмаслигини, саволларга ноаниқ жавоб берганлигини инобатга олиб танловдан ўтмади деб ҳисоблансин, ушбу лавозимга танлов комиссияси томонидан муносиб номзод тавсия этилмаганлиги сабабли қайта эълон берилсин.

______________ Н. Эгамбердиева

______________ М.Низамова

______________ М.Нурматова

______________ М. Махмудова

______________ М.Матякубова

Танлов комиссияси котиби: ______________ И. Тлеубергенова